

Birgalikda ijtimoiy davlat sari!

№26

2024-yil
3-iyul, chorshanba

1918-yil
21-iyundan chiqq boshlagan



O'zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi facebook.com/uzbekistonovozi instagram.com/uzbekiston_ovozi www.uzbovozi.uz info@uzbovozi.uz



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШҲТ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаевнинг таклифи аснода Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси ва “ШҲТ плюс” форматдаги учрашувда иштирок этиш учун 3-4 июль кунлари амалий ташриф билан Остона шаҳрида бўлади. Саммит кун тартибидан ШҲТ доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш ва ташкилот фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари ўрин олган. Халқаро ва минтақавий ҳамкорликнинг муҳим жиҳатлари ҳам кўриб чиқилади. Йиғилиш якунида Остона декларацияси ҳамда иқтисодий, хавфсизлик, экология, энергетика, туризм ва бошқа кўплаб йўналишларда шерикликни кенгайтириш бўйича ҳужжатлар қабул қилиниши режалаштирилган. Ташриф доирасида Ўзбекистон етакчиси хорижий делегациялар раҳбарлари билан қатор икки томонлама учрашувлар ҳам ўтказилади.

president.uz



1 ФОИЗ

✓ **Сийсий пульс: муносабат**

Янги Ўзбекистон


Бунёдкорлари

Мамлакатимизда, мана 7 йилдирки, июнь оyi “Ёшлар ойлиги” сифатида кенг қамровли тадбирлар билан ғоятда қизғин ўтиши, 30 июнь - Ёшлар куни юксак даражада нишонланиши яхши анъанага айланди. Юртимиз аҳолисининг улкан ва фаол қисми бўлган навқирон авлод вакиллари билан ишлаш, уларнинг илм олиши, ижтимоий қўллаб-қувватланиши

ва бошқа ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилиш, салоҳияти ва қобилиятини ривожлантириши учун замон талаблари асосидаги шарт-шароитларни яратиш, бир сўз билан айтганда, ёшларга оид давлат сиёсатининг амалий ижроси ҳамда самарадорлиги яққол намоён бўлиб бормоқда.

2

✓ **Парламент муҳокамаси**



ШОВҚИН

Инсон учун зарарли

Юртимиздаги демографик ўсиш ўз навбатида sanoat қорхоналари сонининг ошиши ва шаҳарлар кенгайишига олиб келмоқда. Бу омиллар натижасида аҳоли ҳаётида шовқиннинг салбий таъсири ортиб бормоқда. Тадқиқотларга кўра, кучли шаҳар шовқини одамларда юрак қон-томир касалликлари, стресс, уйқусизлик каби соғлиқ билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқарар экан.

4

✓ **Муносабат**

Барқарор

Ривожланиш мақсадларига биргаликда эришамиз

Мамлакатнинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни ва аҳамияти унга амалга оширилаётган ташрифларда ҳам яққол кўринади. Бу жиҳатдан Ўзбекистон дунёдаги энг меҳмондўст давлатлардан бирига айланмоқда, десак, ҳеч муболаға бўлмайди.



Ютмаганга йўл йўқми?

“Кўшқоқ” – Узун тумани марказидан 20-25 километр олида жойлашган қишлоқ. Худудда 1 минг 500 нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Қир ва адирларга туташган манзилда умргузаронлик қилаётган юртдошларимизни кўп йиллардан буён йўл масаласи қийнаб келмоқда.

8



ЎЗБЕКИСТОН – БМТ:

БМТ БОШ КОТИБИ ЧОРЛОВИ

3

✓ **Фахрийларимиз**

“МЕҲНАТ ФАХРИЙСИ”

Кўкрак нишони соҳиблари

ТАҚДИРЛАНГАНЛАР ОРАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ФАХРИЙЛАРИ ҲАМ КўПЧИЛИК ЭКАНИ ҲАММАМИЗНИ ҚУВОНТИРДИ. ҲАЛОЛ МЕҲНАТИ, ЭЗГУ ҲОЯЛАРГА САДОҚАТИ, ЯХШИ АМАЛЛАРИ АСОСИДА ЭЛ-ЮРТМИЗГА ИБРАТ КўРСАТАЁТГАН НУРОНИЙЛАРИМИЗ БИЛАН ФАХРЛАНАМИЗ. ЮКСАК ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН БАРЧА ТАҚДИРЛАНГАНЛАРНИ САМИМИЙ ҚУТЛАЙМИЗ, МУСТАҲҚАМ СОҒЛИҚ, ХОТИРЖАМЛИК ВА СўНМАС ШИЖОАТ ТИЛАБ ҚОЛАМИЗ.

SIYOSIY PULS: MUNOSABAT

Янги Ўзбекистон
Бунёдкорлари

МАМЛАКАТИМИЗДА, МАНА 7 ЙИЛДИРКИ, ИЮНЬ ОЙИ "ЁШЛАР ОЙЛИГИ" СИФАТИДА КЕНГ ҚАМРОВЛИ ТАДБИРЛАР БИЛАН ҒОЯТДА ҚИЗГИН ЎТИШИ, 30 ИЮНЬ - ЁШЛАР КУНИ ЮКСАК ДАРАЖАДА НИШОНЛАНИШИ ЯХШИ АНЪАНАГА АЙЛАНДИ. ЮРТИМИЗ АҲОЛИСИНING УЛКАН ВА ФАОЛ ҚИСМИ БЎЛГАН НАВҚИРОН АВЛОД ВАКИЛЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ, УЛАРНИНГ ИЛМ ОЛИШИ, ИЖТИМОЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНИШИ ВА БОШҚА ҲУҚУҚ-МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, САЛОҲИЯТИ ВА ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШИ УЧУН ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ АСОСИДАГИ ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИШ, БИР СЎЗ БИЛАН АЙТГАНДА, ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ АМАЛИЙ ИЖРОСИ ҲАМДА САМАРАДОРЛИГИ ЯҚҚОЛ НАМОЁН БЎЛИБ БОРМОҚДА.

ДЕМАК, ЎТГАН ҲАФТА ЯКУНИГА ЕТГАН ЁШЛАР ОЙЛИГИНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИДАН БИРИ, ШУБҲАСИЗ, ДАВЛАТ РАҲБАРИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ РАИСЛИГИДА 28 ИЮНЬ КУНИ ЁШЛАР СИЁСАТИ СОҲАСИДАГИ ИШЛАР САРҲИСОБИ, ЯНГИ ВАЗИФА ВА ТАКЛИФЛАР МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАБ ВИДЕОСЕЛЕКТОР ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДАН САЛ АВВАЛРОҚ КЎКСАРОЙДА МАМЛАКАТИМИЗ РИВОЖИГА ҲИССА ҚЎШАЁТГАН БИР ГУРУХ ЁШЛАРГА "КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ" МЕДАЛИ ҲАМДА "МАРД ЎҒЛОН" ДАВЛАТ МУКОФОТИ ТОПШИРИЛДИ. 30 ИЮНЬ КУНИ ЭСА ПРЕЗИДЕНТ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ ЙЎЛЛАДИ.

ИЛМ-ФАН – ЯГОНА НАЖОТ

БМТ таснифига кўра, ёшлар қатлами 15 ёшдан 24 ёшгача бўлган йигит-қизларни қамраб олади ва бугунги кунда улар сони 1,8 млрд атрофида бўлиб, дунё аҳолисининг 22,5 фоизини ташкил қилмоқда. Инчунун, Ўзбекистон ҳам ёшлар мамлакати сифатида жаҳон майдонида ўзининг муносиб ўрнини эгалламоқда.

Таъкидланганидек, охириги етти йилда ёшлар ҳимоясига оид юздан зиёд қонун ва қарорлар қабул қилиниб, ушбу қатлам вакиллари учун 200 дан ортик имтиёзлар берилди. Биргина ўтган даврда таълим кредитидан 151 минг ёшлар фойдаланган. Эҳтиёжманд оиладан бўлган яна 110 минг талабанинг шартнома тўлови тўлаб берилган. "Эл-юрт умиди" жамғармаси орқали АҚШ ва Буюк Британиянинг энг нуфузли университетларини 50 нафар йигит-қиз битирди. Бугунги кунда уларда ўқиётган ёш ватандошларимиз 200 нафардан ошди. Умуман, 110 минг ёшларимиз хорижда таҳсил олмақда.

Дарҳақиқат, Президент таъбири билан айтганда, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч - бу илм-фан, таълим-тарбиядир. Ҳозирги мураккаб, таҳликали замонда ягона нажот ҳам шунда. Ёшларга оид сиёсатда мазкур масалага кенг урғу берилаётгани, ўсиб келаётган авлоднинг маърифатли, маънавиятли, замонавий дунёқараш эгалари бўлиб камолга етиши учун барча имкониятлар сафарбар этилаётгани бежиз эмас.

Видеоселектор йиғилишида Президент мактабининг баҳолаш тизими 500 та мактабда жорий қилиниши натижасида бир йилнинг ўзида билимларни ўзлаштириш 53 фоиздан 60 фоизга ошгани, бу тизим янги ўқув йилидан яна мингта мактабда йўлга қўйилиши маълум қилинди.

Бу йил республикамиздаги мактабларни 14 мингдан зиёд ўқувчи олтин ва кумуш медаллар билан битирди. "Катта бешлик" фан олимпиадаларида қўлга киритилган медаллар охириги тўрт йилда 2 қарра кўпайди.

Давлатимиз раҳбари ёшларда билим ва янги ғоялар кўплиги, уларга шароитлар янада кенгайтирилиши зарурлигини кайд этиб, галдаги вазифаларга тўхталди. Жумладан, мамлакатимиз жадал ривожланиши учун "тўртинчи санаот" касблари сув-ҳаводек зарурлигидан келиб чиқиб, ёшларнинг физика, кимё, биология, технология, муҳандислик, математика билан боғлиқ касбларга қизиқишини ошириш учун янги тизим шакллантирилди. Олий ўқув юртлири қошидаги жами 73 та академик лицейда таъриба тарзида "Халқаро бакалаврият" ва "A-Level" дастури жорий қилинади. Бу дастурлар асосида сертификат олган ўқувчилар ўша олийгоҳга имтихонсиз, контракт асосида қабул қилинади.

"SAT" тестида 75 фоиздан юқори натижа кўрсатган ўқувчилар мамлакатимиз университетларига ҳам грантга қабул қилинади.

Ногиронлиги бўлган ёшларга чет тили бўйича миллий сертификат олишда компьютерда имтихон топшириш шароити яратилади.

Ёшларимиз халқаро олимпиадаларнинг назарий қисмида ҳар доим юқори натижаларга эришса-да, лаборатория машқларини бажаришда пастроқ балл олаётди. Шу боис энди Президент мактаблари агентлиги қошида Олимпиадаларга тайёрлаш маркази очилиб, махсус лабораториялар билан жиҳозланади. Халқаро олимпиадада қатнашувчи терма жамоа режа асосида ушбу марказда тайёргарлик кўради. Бунинг учун ҳар бир фан бўйича малякали олим ва хорижий мутахассислар жалб қилинади.

Шу билан бирга олий ўқув юрти, вазирлик ва корхоналарга тегишли лабораторияларнинг ягона онлайн платформаси яратилади.

Бундай илмий марказлар Тошкент техника, Самарқанд ва Урганч давлат университетларида ҳам ташкил қилинади. Ёш олимлар тадқиқотлари учун керак бўлган ускуна, бутловчи қисм ва кимёвий воситалар бож тўловларидан озод этилади.

ГЛОБАЛ ИШСИЗЛИКДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Аёнки, ёшлар ўртасидаги ишсизлик муаммоси нафақат ривожланаётган, балки ривожланган давлатларда ҳам жиддий ташвиш уйғотмоқда. Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан маълум қилинишича, жаҳонда 15-24 ёшгача бўлган йигит-қизлар ўртасида ишсизлик даражаси катта ёшларга қараганда уч баравардан кўпроқдир. ХМТ экспертлари 2024 йилда глобал ишсизлик ва ижтимоий тенгсизлик даражаси ортисини башорат қилаётди. Рақамларда келтирилишича, ишсизлар армияси яна икки миллион нафарга ошади, бу эса глобал ишсизлик даражаси 5,2 фоизга етишига туртки беради. Бинобарин, 2023 йилда юқори даромадли мамлакатларда ишга талабгорлар улуши 8,2 фоизни, кам даромадли мамлакатларда эса бу кўрсаткич 20,5 фоизни ташкил этган. Юқорида айтилганидек, ишсизлик инқирозларидан азият чекаётган асосий қатлам одатдагидек ёшлар бўлиб қолмоқда (манба: UN News).

Мана шундай мураккаб шароитда Ўзбекистонда ёшлар ўртасида бандлик даражасини ошириш, уларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқларини кафолатлаш нечоғлик долзарб эканини яққол ҳис қилиш мумкин. Ахир республикамиз меҳнат бозорига ҳар йили ўртача 600 минг нафар навқирон авлод вакиллари кириб келаётгани, келгуси ўн йилда мазкур рақам нақд бир миллионга етиши - бу ҳазилакам гап эмас. Ёшлар сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бўлган бандлик чора-тадбирларини таъминлаш ғоятда жиддий ва пухта ёндашувни талаб этади.

Йиғилишда ушбу йўналишда ҳам сезиларли натижаларга эришилаётгани айтиб ўтилди. Келтирилишича, "Оилавий тадбиркорлик" дастурлари доирасида берилган кредит эвазига 1 миллион ёш банд бўлди. 205 та "Ёшлар санаот зонаси"да 1 минг 200 та лойиҳа ишга туширилди. Ҳозирда бизнесдаги айланма маблағини миллион доллардан оширган 1 ярим минг нафар ёш тадбиркорлар бор. Бугунги кунда ахборот технологиялари соҳасида ўзини ўзи банд қилган ёшлар 50 мингдан ошди. Қўшилган қиймат яратиш, хизматларни экспорт қилаётган бундай ёшлар учун катта имкониятлар очиб берилади.

Хусусан, 1 августдан бошлаб, бу соҳада ўзини ўзи банд қилган ёшларга IT-парк резиденти мақоми берилади. Улар уч йил муддатга барча солиқлардан озод қилинади. IT-парк томонидан уларга тиббиёт, спорт ва офисдан фойдаланиши учун "ижтимоий карта" берилади.

Ёшларни катта даромад келтирадиган касбларга ўргатиш, юқори қўшилган қиймат яратадиган лойиҳаларни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Инвестициялар, санаот ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар тадбиркорлиги жамғармаси Ёшлар агентлиги тизимига ўтказилади. Лойиҳанинг тайёр бизнесга айланиб, даромад келтиришгача барча жараёнда кўмаклашилади. 14 та туман танлаб олиниб, "тўртинчи санаот" касбларига ўқитиш маркази очилади.

Жамғарма томонидан ҳудудлардаги Ёшлар санаот зоналарида бинолар қурилиб, "санаот ипотекаси" асосида юқори қиймат яратадиган лойиҳалар учун ёшларга 7 йилда бўлиб тўлаш шarti билан берилади. Бунда биринчи йили тўлов ундирилмайди.



Ҳар бир вилоятдаги биттадан Баркамол авлод марказида "Креатив санаот парклари" ташкил қилиниб, уларга IT-парк резидентлари учун назарда тутилган имтиёзлар берилади. Бу жойлар ёш тадбиркорлар, илм ва бизнес ўртасида мулоқот майдончаси бўлади. Жамғарма бу ердаги ёшларнинг "стартлаплари"га уч йилга 100 миллион сўмгача ссуда беради.

Магистрал йўллар бўйида 50 мингга кўчма савдо нўқталари ташкил қилиниб, ёшларга ижарага берилади. Бунда дастлабки 6 ойда ёшлар ижара ҳақи ва солиқ тўламайди. Шунингдек, меҳнат ярмаркалари ташкил этиш орқали 350 минг ёшлар ишга жойлаштирилиб, 100 минг нафари қурилиш ишларига жалб қилиниши орқали бандлиги таъминланади.

КЕЛАЖАК АВЛОД ТАРБИЯЧИЛАРИ

XX аср бошларида маърифатпарвар жадидларимиздан Абдулла Авлоний "Қизлар билим олишга ҳаммадан кўпроқ интилишлари лозим, зеро, бу билимлар билан улар келажак авлодни тарбиялайдилар", деган эди. Худди шу маънода юртимизда айнан қизларнинг уз-луқсиз таълим олиши, касб-хунарли бўлиш, турли жаҳада иқтидорини намоён этиши учун кўмаклашишдек эзгу мақсад йўлида давлат томонидан тизимли чора-тадбирлар рўёбга чиқарилмоқда. Олий ўқув юртлирида қизлар учун махсус квоталар ажратилаётгани, керак бўлса, шартнома тўловлари давлат бюджети-

дан қоплаб берилаётгани, имтиёзли кредитлар ажратиш орқали қўллаб-қувватланаётгани таъсирли лойиҳа. Рақамлардан кўринадики, бугунги кунда республикамиздаги ОТМда таълим олаётган 1 миллион 300 минг нафарга яқин талабанинг ярмидан кўпи қизлардан иборат ва уларда аниқ фанларга, замонавий касбларга бўлган қизиқиш ортаётгани алоҳида эътироф этиляпти. Ўзбек қизлари бугун ривожланган давлатлардаги нуфузли олий-гоҳларда илмий изланишлар олиб бораётди.

Ёшлар билан мулоқотда қизларга кўмаклашиш, шароитларини яхшилашга эътибор давом этиши маълум қилинди. Оғир шароитга тушиб қолган хотин-қизлар учун барча ҳудудларда бир хонали ижтимоий уйлар қуриладиган бўлди. Улар ишга жойлашиб, "оёққа туриб олгунга қадар", ушбу уйларда уч йил давомида бегул яшайдилар. Соғлиги туфайли ишга қатнай олмайдиган қизлар касаланиш ва масофавий иш билан таъминланади. Бундан ташқари, уч ёшгача фарзанди бор талаба-қизларга масофавий таълим олиш имконияти яратилади.

Йиғилишда юртимиз ҳудудларидан қатнашган ва хорижда ўқиётган ёшлар ўз тақлиф-мулоҳазаларини билдирди.

"Ёшларимиз ҳаётда муносиб ўрнини топиши учун бундан кейин ҳам бор куч ва имкониятларни тўлиқ ишга солашимиз. Сизлар мамлакатимизнинг ишончи ва таянчи, келажакимиз бунёдкорларимиз", деди уларга қарата давлат раҳбари.

Муҳлиса ҒАНИЕВА,
ХДП Марказий Кенгаши консултант:

"Ҳар бир давлат ва жамият ўз эртасини, тақдирини ёшлари тимсолида кўради. Илмли, замонавий касб-хунарларни эгаллаган, қалбига ватанпарварлик туйғуси кучли, шижоатли ва ташаббускор фарзандлари бор юртининг иқболи порлоқдир.

Президентимиз раислигида фаол ёшлар вакиллари иштирокида ўтган видеоселектор йиғилишида навқирон авлод манфаатларини таъминлаш қаровини кенгайтириш юзасидан яна бир қанча устувор вазифалар белгилаб берилди. Бу ғоя-ташаббусларнинг амалга ошиши, аниқки, биз ёшлар учун янги имкониятлар эшигини очади, янги зафарлар сари рағбатлантиради.

Биламизки, давлатимизнинг ёшларга оид сиёсати бугун халқаро миқёсда бирдек тан олинмоқда. Масалан, ўтган йили Ёшлар тараққиёти индексига кўра, Ўзбекистон ёшлар сиёсати соҳасида энг тез ривожланаётган мамлакатлардан бири, деб эътироф этилди. Шунингдек, БМТ томонидан "Ёшлар стратегияси - 2030"ни намунавий тарзда амалга ошириш бўйича танлаб олинган 10 та мамлакатдан бир ҳам айнан Ўзбекистондир. 2022 йилда кўхна Бухоро шаҳри - Туркий дунё ёшлари пойтахти, 2024 йилда эса азим Тошкентимиз - Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги минтақасида биринчи ёшлар пойтахти деб эълон қилинди.

Буларнинг бари манзилли ва кенг қамровли ёшларга оид давлат сиёсатининг тизимли амалга оширилаётганидан далолат беради.

Муҳсиддин НИЗОМИДДИНОВ,
ХДП Марказий Кенгаши Ёшлар сектори раҳбари:

"Давлатимиз раҳбари Ёшлар куни муносибати билан йўллаган байрам табригида сўнги йилларда юртимизда ёшлар билан ишлаш бўйича дунёда ўхшаши кам бўлган вертикал бошқарув тизими яратилгани таъкидлаб ўтилди. Маҳаллалардаги ёшлар етакчилари орқали юзлаб, минглаб йигит-қизларни касб-хунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ долзарб масалалар кўйи бугуннинг ўзида ҳал қилинаётганига эътибор қаратилди. Айниқса, "Ёшлар дафтари", "Ёшлар баланси" платформаси асосида олиб бораётган кенг қўламли ишлар қанчадан-қанча тенгдошларимиз ҳаётида янги саҳифа очмоқда. Ҳеч бир йигит-қиз ўзини давлат ва жамият эътиборидан четда ҳис қилмаяпти.

Яширишнинг ҳожати йўқ, қишлоқ ёшлари орасида ишсизлик муаммоси анчайин долзарб. Тайинли иши ва даромад манбаи йўқ бу ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш бўйича янги тизим жорий қилингани, бу йилнинг ўзида "маҳалла етилги" тавсияси билан 156 минг ёшга 60 минг гектар ер майдони 30 йил муддатга ижарага берилгани айни муддао бўлмоқда.

Президентимиз турли соҳаларда ютуқларни қўлга киритаётган тенгдошларимиз ҳақида сўз юритар экан, "Янги Ўзбекистон ёшлари" деган шарафли номга ҳар томонлама муносиб бўлган бундай йигит-қизлар бизнинг бебаҳо бойлигимиз, олтин фондимиздир" дея юксак ишонч билдирди. Мана шундай ишончга муносиб бўлиш ҳар биримиз учун виждон ва ғурур ишига айланмоғи керак.

Фарида МАҲКАМОВА,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.



Ўзбекистон-БМТ:

БМТ Бош Котиби Чорлови

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ БОШ КОТИБИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИГА ТАШРИФНИ ЎЗБЕКИСТОНДАН БОШЛАДИ.

БМТ дунё халқлари бир жойга тўпланиб, умумий муаммоларни муҳокама қиладиган ва бутун инсоният учун фойдали бўлган умумий ечимларни топиш мумкин бўлган ягона умуминбар ҳисобланади. Ташкилотнинг бугунги кунда 193 та аъзоси бор.

Мамлакатимизга ташриф буюрган Бош Котиб билан Ўзбекистон Республикаси Президенти 1 июль куни учрашув ўтказди.

Сўхбат аввалида БМТ Бош Котиби давлатимиз раҳбарига Ўзбекистонга келиш таклифи ва кўрсатилаётган самимий қабул учун чуқур миннатдорлик билдирди.

Давлатимиз раҳбари А.Гутерришнинг республикамизга бу галги ташрифи "Ўзбекистон-2030" стратегияси доирасида амалга оширилаётган орта қайтмас ислохотлар БМТ томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганининг тасдиғи эканини таъкидлади.

Музокаралар чоғида глобал ва минтақавий тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш, Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга қаратилган қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ҳолати муҳокама қилинди.

Бугунги кунга келиб, Ўзбекистон ва БМТ ўртасида 140 та қўшма дастур ва лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Кейинги йилларнинг ўзида Ташкилотнинг Бош Ассамблеясида Ўзбекистон ташаббуси билан 10 та махсус резолюцияси қабул қилинган.

Биргаликда глобал кун тартибига оид йирик халқаро тadbирлар, жумладан, озик-овқат хавфсизлиги, туризмни ривожлантириш, камбағаллик ва иқлим ўзгаришига қарши курашиш ҳамда биохилма-хилликни муҳофаза қилиш бўйича тadbирлар ўтказилмоқда.

Президентимиз Бош Котиб билан халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммолар юзасидан ҳам фикр алмашилган. Давлатимиз раҳбари Бош Котибининг халқаро хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, БМТ ва унинг асосий органларини ислох қилиш ҳамда жорий йилда Нью-Йорк шаҳрида Келажак саммитини ўтказиш ташаббусларини қатъий қўллаб-қувватлашини билдирган.

Булардан ташқари, минтақада транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқликни ривожлантириш, озик-овқат, энергетика ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилган.

Учрашув якунида 2026-2030 йилларда Ўзбекистоннинг Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича БМТ билан ҳамкорликнинг ҳадли дастурини биргаликда ишлаб чиқиш юзасидан келишувга эришилган.

Ташриф довомидан жаноб Антониу Гутерришга жаҳонда ҳамжиҳатлик ва бирдамликни фаол илгари суриш, ташкилот фаолияти самарадорлигини ошириш, шунингдек, мамлакатимиз ва БМТ ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги

хизматлари учун Ўзбекистоннинг олий давлат мукофотларидан бири – "Олий Даражали Дўстлик" ордени топширилди.

БМТ раҳбарининг халқаро хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, глобал бошқарув институтларини ислох қилиш, Барқарор ривожланиш мақсадларини илгари суриш, иқлим ўзгаришига қарши курашиш, "яшил" ва рақамли тараққиёт, озик-овқат ва энергетика хавфсизлигини таъминлаш борасидаги кўп йиллик саъй-ҳаракатлари эътироф этилди.

Шу ўринда БМТ Бош Котибининг ташриф арафасида "Дунё" ахборот агентлигига интервью бериб, ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболларига оид саволларга жавоб бергани ҳамда мамлакатимизнинг замонавий тараққиёти бўйича қарашлари билан ўртоқлашганига эътибор қаратмоқчимиз.

Жаноб Гутерриш "Сўнгги йилларда мамлакатимиз инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва илгари суриш соҳасида маълум муваффақиятларга эришиб, болалар ва мажбурий меҳнатга барҳам берилди, оммавий ахборот воситалари эркинлаштирилди, мамлакатимиз БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича ихтисослашган муҳим органлари фаолиятида фаол иштирок этмоқда. Мазкур йўналишдаги жараёнлар хусусида қарашларингиз билан ўртоқлашсангиз", деган саволга қуйидагича жавоб берди:

– Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасида ютуқларга эришмоқда. БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарининг ўтган йили мамлакатингизга ташрифи ҳам бунинг яққол ифодасидир. Умид қиламанки, ушбу муҳим йўналишдаги ҳамкорлигимиз келгусида ҳам давом этади. Пахта далаларида мажбурий меҳнатга барҳам бериш, фуқаролиги бўлмаган шахсларга фуқаролик бериш, аёллар ва болаларни Сурия ва бошқа ерлардаги лагерлардан қайтариш ва реинтеграция қилиш – том маънодаги ижобий ўзгариш ҳисобланади ҳамда бошқа давлатлар учун ўрнак бўладиган намунадир. Мен Ўзбекистонни эришилган ютуқлар билан чекланиб қолмасликка чақираман ҳамда зўравонлик ва гендер камситиш масалаларига ечим топиш, фаол фуқаролик жамияти ва оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш йўлидаги ишларни давом эттиришга чорлайман, дея жавоб берган.

БМТ Бош Котибининг минтақага ташрифини айнан Ўзбекистондан бошлагани ва "Дунё" ахборот агентлигига берган интервьюсидан ҳам англашимиз мумкинки, инсоният тарихидаги энг катта ва кенг қамровли ташкилотда Ўзбекистоннинг ўз сўзи ва ўрни бор. Бунга осонликча эришилмаяпти. Бу йўлда Ўзбекистоннинг юритаётган очик ва жозибador ташқи сиёсати, мамлакатдаги шиддатли ислохотларни алоҳида таъкидлаш лозим.

Аҳмад ҚУРБОНОВ
тайёрлади.

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА БИРГАЛИКДА ЭРИШАМИЗ



Улуғбек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги
Ўзбекистон ХДП фракцияси раҳбари:

– Мамлакатнинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни ва аҳамияти унга амалга оширилаётган ташрифларда ҳам яққол кўринади. Бу жиҳатдан Ўзбекистон дунёдаги энг меҳмондўст давлатлардан бирига айланмоқда, десак, ҳеч муболага бўлмайди.

Июль ойи ҳам олий даражадаги ҳамкорлик ташрифи билан бошланди. БМТ Бош Котибининг юртимизга келиши, давлатимиз раҳбари билан юқори самарали учрашув ўтказиши кўп томонлама аҳамиятли жараёндир.

Ғурур билан қайд этиш керакки, кейинги йилларда Ўзбекистон БМТ билан, унинг муҳим институтлари билан яқин ҳамкорлик қилаётган, реал натижаларга эришаётган мамлакатлар қаторига кирди. 140 та қўшма дастур ва лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилаётгани, Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг 10 та махсус резолюцияси қабул қилингани бу фикрнинг амалий исботи бўлиб турибди.

Энг муҳим йўналишлардан яна бири Ўзбекистонда БМТнинг конвенциялари муваффақиятли ратификация қилинаётгани билан боғлиқ. Бу миллий қонунчилигимиз умумэтироф этилган ҳужжатларга мувофиқ ривожланаётганидан, мамлакатимизда юритилаётган барча соҳаларга доир сиёсат халқаро ҳуқуқ билан интеграциялашаётганидан далолат беради. Масалан, Ногиронлар ҳуқуқлари конвенцияси ратификация қилингани юртимиздаги ногиронлиги бўлган шахслар, партиямиз электорати вакилларининг ҳуқуқ ва манфаатлари янада самарали ҳимоя этилишини ҳам англатади.

Жаноб Антониу Гутерриш ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, энергетик лойиҳалар, маҳалла институти фаолияти билан яқиндан танишиб, юртимиз ҳаётидаги ўзгаришларни ўз кўзи билан кўрди. Ўйлаيمانки, кўпроқ қуйи тизимда, одамлар билан мулоқот қилиб олиб борилаётган ислохотлар инсон ҳуқуқ ва манфаатлари учун нақадар муҳимлигига бевосита амин бўлди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси БМТ нинг Барқарор ривожланиш мақсадларига ҳамоҳанг тарзда ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Хусусан, соғлиқ ва фаровонлик, сифатли таълим, гендер тенглик, тоза сув ва санитария, арзон ва тоза энергия, муносиб иш ўринлари ва иқтисодий ўсиш, тенгсизликни камайтириш каби вазифалар тараққиёт стратегиямизда ҳам ўз ифодасини топган. Яна бир жиҳати, бу мақсад ва вазифалар Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ғояларига жуда мос келади.

Олий даражадаги музокаралар чоғида глобал ва минтақавий тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш, Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга қаратилган қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ҳолати муҳокама қилинди. Биргаликда глобал кун тартибига оид йирик халқаро тadbирлар, жумладан, озик-овқат хавфсизлиги, туризмни ривожлантириш, камбағаллик ва иқлим ўзгаришига қарши курашиш ҳамда биохилма-хилликни муҳофаза қилиш бўйича тadbирлар ўтказилмоқда.

БМТ Бош Котиби Антониу Гутерриш жаноблари Ўзбекистоннинг олий давлат мукофотларидан бири "Олий Даражали Дўстлик" ордени билан тақдирланишида ҳам чуқур рамзий маъно бор. Давлатимиз раҳбари жаноб А.Гутерришнинг Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги юксак даражага етишига қўшган шахсий ҳиссасини алоҳида эътироф этди.

Ўз навбатида БМТ Бош Котиби давлатимиз раҳбарининг минтақавий сиёсатини юксак баҳолади: "Марказий Осиёда тарқоқлик жуда кенг илдири отган эди. Сизнинг фаолиятингиз туфайли Марказий Осиё минтақасида янги муҳит яратилди. Бу дўстлик, ўзаро ҳурмат, мулоқот, ҳамжиҳатликда масалаларни кўриб чиқиш, минтақада мавжуд бўлган қийинчиликларни энг иб ўтишга асосланган муҳит бўлди. Марказий Осиёни дунё цивилизацияси маркази, деб биламан. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун Самарқанд ва Бухорога боришнинг ўзи кифоя қилади".

Халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлашга, миллатлар ўртасида дўстлик муносабатларини ривожлантиришга, иқтисодий, ижтимоий, маданий муаммоларни ҳал этишда халқлар ўртасида мустаҳкам ҳамкорликка интилувчи нуфузли ташкилот билан алоқалар янада мустаҳкамланиб бораётганини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз. Ҳар бир инсон учун муҳим бўлган Барқарор ривожланиш мақсадларига биргаликда эришамиз.

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Васийлик Кенгаши

ҚАРОРИ

“МЕҲНАТ ФАХРИЙСИ” КЎКРАК НИШОНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4906-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида"ги 2017 йил 14 июлдаги ПҚ-3133-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида "Нуроний" жамғармаси Васийлик Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси республика Бошқарувининг "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишонига тавсия этиладиган номзодларнинг ҳужжатларини кўриб чиқиш ва саралаш комиссиясининг 2024 йил июндаги йиғилишининг баёни маълумот учун қабул қилинсин.

2. Мамлакатимизнинг иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, юриспруденция ва бошқа соҳаларида кўп йиллар давомида ҳалол ва самарали меҳнат қилган нафақа ёшидаги юртдошларимизни, шунингдек, етарлича иш стажига бўлмаса-да, ҳа-

ётини оилалар мустақамлигини сақлаш, фарзандларимизни жамият олдига масъулият, миллий ва умуминсоний қадриятларга, катталарга ва ёш авлод вакилларига ҳурмат, она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига бағишлаган жамиятдаги фаол инсонларнинг бир гуруҳини "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони билан тақдирлаш рўйхати 1-иловага мувофиқ тақдирлансин.

3. "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони билан тақдирланган Республика ташкилотлари вакилларига мукофотларни тантанали топшириш маросими Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси (Қ.Рафиқов) нинг "Ўзбекистон Касаба уюшмалари саройи"да юқори савияда ўтказилиши таъминлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги (О.Назарбеков) "Нуроний" жамғармаси (С.Турдиев) билан келишилган ҳолда ушбу тантанали тадбирда санъат усталарининг чиқишларини ташкил этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 мартдаги "Кекса авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғри-

сида"ги ПҚ-92-сон Қарори билан тасдиқланган "Нуроний" жамғармасининг Васийлик кенгаши аъзоларининг "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони билан тақдирланганларни кутлаш тадбирида фаол иштирок этишлари таъминлансин. Бунда Ўзбекистон Республикаси муҳофаа вазири (Б.Қурбонов), маданият вазири (О.Назарбеков), Ёшлар ишлари агентлиги директори (А.Саъдуллаев), олий таълим, фан ва инновациялар вазири (К. Шарипов), соғлиқни сақлаш вазири (А.Худаяров), мактабгача ва мактаб таълими вазири (Ҳ.Умарова), Ўзбекистон суд тизими фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази раиси (У.Мингбоев), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси (С.Сайид), Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори (А.Ходжаев)нинг иштироки таъминланшига алоҳида эътибор қаратилсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони билан тақдирланганларни тантанали тақдирлаш маросимларини юқори савияда ташкил этиш чораларини кўрсин.

7. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Жўрабоев) ва Ўзбекистон Миллий аxbорот агентлиги (А. Кўчимов)га "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони билан тақдирланганларни тантанали тақдирлаш маросимларини оммавий аxbорот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

8. "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони билан тақдирланганлар умумий рўйхатини чоп этиш учун ҳар бири 1800 донадан Васийлик Кенгашининг Қарори "Nuroniю" газетаси ва "Nuroniю" журналининг "Махсус сони"ни чиқариш "Nuroniю" жамғармаси республика Бошқаруви (Ш.Убайдуллаев ва Ф.Нодирхонова)га топширилсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Васийлик Кенгаши раисининг ўринбосари - "Нуроний" жамғармаси республика Бошқаруви раиси С.Турдиев зиммасига юклатилсин.

Васийлик Кенгаши Раиси

2024 йил июнь.
Тошкент ш.

А.Арипов

"Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони билан тақдирланганлар орасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фахрийлари ҳам кўпчилик экани ҳаммамизни қувонтирди. Халол меҳнати, эзгу ғояларга садоқати, яхши амаллари асосида эл-юртимизга ибрат кўрсатаётган нуронийларимиз билан фахрланамиз. Юксак эътироф этилган барча тақдирланганларни самимий қўлайимиз, мустақкам соғлиқ, хотиржамлик ва сўнмас шижоат тилаб қоламиз.



Иминов
Одилжон
Каримович
— 1963 йил,
давлат ва
жамоат арбоби,
Олий Мажлис
Сенат аъзоси.
I даражали.



Мухамеддинов
Нажиматдин
— 1937
йил, санъат
фахрийси.
II даражали.



Таиров Насир
Абдулхаквич
— 1944 йил,
халқ таълими
фахрийси.
I даражали.



Базарова
Норжон —
1953 йил,
маҳалла
фаоли.
I даражали.



Назаров
Шарофиддин
Хакимович
— 1960 йил,
жамоат арбоби,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатаси
депутати.
I даражали.



Абдухаликов
Таваккал
Хамидович
— 1954 йил,
халқ таълими
фахрийси.
I даражали.



Турапов
Музаффар
— 1955 йил,
маҳалла фаоли.
II даражали.



Сотиболдиев
Халилжон
Тошпўлатович
— Ўзбекистон
ХДП Пахтаобод
туман кенгаши
раиси.
II даражали.

PARLAMENT MUHOKAMASI

ШОВҚИН ИНСОН УЧУН ЗАРАРЛИ

Юртимиздаги демографик ўсиш ўз навбатида sanoat корхоналари сонининг ошиши ва шаҳарлар кенгайишига олиб келмоқда. Бу омиллар натижасида аҳоли ҳаётида шовқиннинг салбий таъсири ортиб бормоқда. Тадқиқотларга кўра, кучли шаҳар шовқини одамларда юрак қон-томир касалликлари, стресс, уйқусизлик каби соғлиқ билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқарар экан.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, шовқин инсонларда альцгеймер ва карликни келтириб чиқарар экан. 2 июль кун Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлисида "Аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокамадан ўтди. Қонун 5 боб, 25 моддадан иборат.

Лойиҳа билан аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилишнинг асосий тамойиллари, атроф табиий муҳитга шовқин орқали зарарли таъсир кўрсатганлик учун компенсация тўловлари, аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш соҳасидаги

давлат органларининг ваколатлари белгилаб қўйилмоқда.

Қонун лойиҳаси билан фуқароларнинг осойишталиги ва нормал дам олишини бузadиган ҳаракатларнинг қатъий рўйхати тасдиқланмоқда, шунингдек, фуқароларнинг осойишталиги ва нормал дам олишини бузшига йўл қўйилмайдиган вақтлар оралиғи белгиланмоқда.

Яъни, тунги вақтда — сутканинг соат 23:00 дан 06:00 гача бўлган вақт оралиғида, шунингдек, дам олиш кунлари ва қонунчилик билан белгиланган ишланмайдиган байрам кунлари соат 22:00 дан 09:00 гача вақт оралиғида — фуқароларнинг осойишталиги ва нормал дам олишини бузганлик учун маъмурий жавобгарликни кучайтириш таклифи этилмоқда.

Бунга кўра, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгилаб қўйилмоқда. Амалда мазкур ҳуқуқбузарликлар

учун жарималар миқдори фуқароларга 113 минг сўм, мансабдор шахсларга эса 113 минг сўмдан 226 минг сўмгача бўлган миқдорни ташкил этади.

Лойиҳа ўқиб эшиттирилганидан сўнг навбат муҳокамаларга ўтди.

Сўз олган депутатлардан бири қонунни концептуал жиҳатдан маъқуллашини, лекин иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида инobatга олиниши керак бўлган таклифлар ҳам борлигини айтди. У аввало, шовқинни тоифаларга ажратишни таклиф қилди. Унинг фикрича, одамлар томонидан содир этиладиган маиший шовқин билан sanoat шовқинини ажратиш лозим. Кимдир уйда қилган шовқини билан битта қурилиш корхонасининг шовқинини тенглаштирмастик керак. Бунда жарималар миқдори ҳам шунга қараб тоифалаштирилади.

Бироз фикр қилинса, депутатнинг таклифи асослидек туюлади. Сабаби, 113 минг жарима тўлаш жисмоний шахс яна шовқин кўтариши унинг обрўйига ҳам, чўнтагига ҳам зарар келтиришини англаб этади. Лекин қурилиш корхонасини 226 минг жарима тортса ҳам бу

унга ноқулайлик туғдирмайди. Чунки у ердаги пул айланмаси учун бу жарима жуда кам.

Кейинги сўз олган депутат мазкур қонунга қарши эканини билдириб, санкциялари оширилаётган амалдаги моддани "ўлик модда", деб атади. Шунингдек, у жаримага тортиш ваколати бўлган инспекторларнинг қўлида шовқинни ўлчайдиган махсус асбоби йўқлигини, натижада кимнингдир кўрсатмаси бўйича бировни жазолаш нотўғри бўлишини таъкидлади.

Яна депутат мавжуд жарималарни ошириш учун асос бўлиши керак. Нега бизга аввал статистикани тақдим қилмаяпсизлар, дея қонун ижодкорларига мурожаат қилди.

Дарҳақиқат, амалдаги бирор бир меъёرنинг унда белгиланган жарима миқдорининг пастлиги туфайли унинг профилактик таъсири кам эканини асослаш учун албатта статистик маълумотлар келтирилиши керак. Бунда асосий масала фуқаро мазкур ҳолатни бир неча мартаба такрорлаб, жарима тўласа, ўшанда жарима миқдори камлиги учун одамларга унинг таъсири кам бўлапти, деган хулосага келишга асос бўлади.

Бир кун аввал бўлиб ўтган фракцияларнинг йиғилишларида ҳам мазкур лойиҳа кўриб чиқилган эди. Ўша муҳокамалардан бирида ЎзХДП фракцияси аъзоси Мақсуда Ворисова ҳам бир қатор асосли фикрларни илгари сурган эди. Депутатимиз шовқиннинг даражасини белгилашни, яъни децибел бўйича умумий меъёрни аниқлаш ва шовқиннинг даражасига қараб жарима миқдорини ҳам ошириб боришни таклиф қилган эди. Бу фикрда ҳам асос бор. Масалан, инсон ва транспорт шовқини орасида катта фарқ бор. Ёки бўлмаса мушакбозлик воситаларининг шовқини ҳам булардан фарқ қилади. Демак, ким баландроқ шовқин қилса, ўша кўпроқ жарима тўласин, деган қараш ҳам тўғри аслида.

Муҳокамаларда баъзи депутатлар қонунда белгиланаётган фуқароларнинг осойишталиги ва нормал дам олишини бузишга йўл қўйилмайдиган вақтлар оралиғини соат 23:00 дан 07:00 гача ўзгартириш керак, сабаби, шаҳарларда ҳаёт кечроқ бошланади, дея изоҳласа кимдир бу вақтни 22:00 дан бошлаш керак дейди.

Шу тариқа лойиҳанинг муокамалари узоқ давом этди. Якунда қонун ташаббускорлари лойиҳани биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқуллаб беришни илтимос қилди. Депутатлар кўпчилик овоз билан лойиҳани маъқуллашди ва иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида ҳамкорликда, бамааслаҳат ишлашни, уларнинг таклифларини инobatга олишни сўрашди.

Аҳмад ҚУРБОНОВ
тайёрлади.





ELEKTORAT MANFAATI

Яқинда Халқ демократик партиясининг YouTube каналидаги "Бу муҳим" лойиҳасида "Банкоматдан пул ечилганда 1 фоиз комиссия ечиб олинishi нақадар адолатли?" деган савол билан ҳамюртларимиз ўртасида сўров ўтказилибди. Турли ёшдаги аҳоли вакилларининг аксарияти банк муассасалари томонидан киритилган айна тартибга қатъий норозилик билдириб, буни ёқламаган. Айримларгина, аксинча, маъқуллаган. "Менга фарқи йўқ", дегувчилар ҳам бор.

Мазкур видео остидаги изоҳларда эса пластик картадаги маблағни банккоматлар орқали нақдлаштиришда 1 фоиз олиш амалиёти кўппа-кундузи кишини тунаш билан баробарлиги, пенсионерлардан ҳам 1 фоиз олиб қолиш уят экани каби негатив фикрларни қайд этганлар нисбатан кўплигини кўрамыз. Шу қаторда яқин ўтмишда картадаги пулни нақдга айлантиришда ҳатто 25-30 фоиздан ҳам воз кечилганини эслаб, бунга шукр қилиш кераклигини ўқтирувчиларни-да учратамыз. Яна кимдир эса шунчаки "Бизнинг қишлоқдаги банккоматда пул йўқ", деб кўя қолган.

Хўш, нега бу мавзунини кўтаряпмиз? Чиндан ҳам бундан 7-8 йил олдин кўча-кўйда банккоматдан тўғридан-тўғри пластик карта-миздаги маблағни нақдлаштириш биз учун тасаввурга сикмас ҳолат эди-ку! Бугун эса қишлоқ туманларда аҳоли гавжум масканларда, бозорларда, шаҳарларда эса деярли ҳар қадамда банккоматлар хизматидан беминнат фойдаланяпмиз. Бир неча тугмани босамиз ва истаган суммамиз кўлимизга тегади. Бундай қўлайлик ҳамда тезкорлик учун даромадимизнинг атиги бир фоизидан воз кечсак, нима бўпти?

Лекин... инсоф, адолат, ҳалоллик мезонлари билан қараганда, айна амалиёт ростдан ҳам бахсталаб ва эътирозларга лойик.

БИРНИКИ МИНГГА, МИНГНИКИ ТУМАНГА

2024 йил 1 февраль ҳолатига мамлакатимизда муомаладаги банк пластик карталари сони 46 миллион 73 минг 524 тани ташкил этгани ҳолда жойларда ўрнатилган банккоматлар ва инфокиосклар 28 минг 700 тадан ошган. Эътибор қилинг, аҳоли кўлида 46 миллиондан зиёд пластик карталари мавжуд. Биламизки, ҳозирда иш ҳақи, нафақалар, стипендиялар деярли тўлиқ ҳажмда пластик карталарга ўтказиб берилаяптир. Дейлик, аҳолимизнинг энг камида 10 фоизи бир ойда банккоматлар орқали ўртача 1 миллион сўмни нақдлаштира ҳам, ойига 35 миллиард сўмдан, йилига эса 400 миллиард сўмдан ортиқ пул маблағлари банклар ҳисобига қолади. Бу энди минимал даражадаги рақамлар. Ваҳолонки, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни, халқона айтганда, ҳалол пешона тери билан топган даромадини нақдлаштираётган аҳолидан банккоматлар орқали олиб қолинаётган бир фоизлик устима туфайли банклар ихтиёрига ўтаётган ана шу миллиардлаб сўмлар бундан кўп бўлса кўп, асло кам эмас. Ахир бирники мингга, мингники туманга, дейди доно халқимиз.

Хуллас, бугунги кунда маҳаллий карталардан (Нупо, Uzcard) банккоматларда нақд пулни олиш бадали 1 фоиз бўлиб қолмоқда. Жамоатчиликни, депутатларимизни, умуман, аҳолини ўйлантираётган ҳолат ҳам шуки, нақдлаштириш учун тижорат банклари томонидан ҳамон максимал даражадаги 1 фоиз ушлаб қолинапти. Ҳали ана шу 1 фоиз 0,7 ёки 0,5 фоиз даражага тушган реал вазиятга дуч келганимизча йўқ.



ХАЛҚАРО АМАЛИЁТДА ҚАНДАЙ?

Танганинг иккинчи томони ҳам борлигини унутмаслигимиз керак, албатта. Шу маънода мавзу юзасидан Марказий банк матбуот котиби Акмал НАЗАРОВАга юзландик. Масъул ходим ушбу масалада қуйидагиларни баён этди:

–Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг 61-моддасига кўра, банклар ва уларнинг миждозлари ўртасидаги муносабатлар шартномалар асосида амалга оширилади ҳамда мазкур Қонунининг 62-моддасига асосан кредитлар, депозитлар бўйича фоиз ставкалари ва банк операциялари оид воситачилик ҳақи микдори банк томонидан мустақил белгиланади.

Марказий банк юқоридаги қонун ҳужжатларига зид равишда тижорат банкларининг операциялари оид воситачилик ҳақи микдорини белгилашга арашишга ёки уларни бекор қилиш ваколатига эга эмас, қонун ҳужжатлари билан ундирилиши тақиқланган комиссиялар бундан мустасно.

Тижорат банклари ҳам иқтисодиётдаги бошқа барча тадбиркорлик субъектлари қатори ўз хизматлари учун нархларни мустақил белгилайди. Бугунги кунда тижорат банклари томонидан аҳолига нақд пул билан боғлиқ операциялар кўрсатишда ўз операцияларидан келиб чиққан ҳолда тарифлар белгиланиб, хизмат ҳақлари ундирилади.

Хусусан, банкларнинг нақд пул билан ишлаш бўйича операциялар харажатлари банккоматларни сотиб олиш, сақлаш, нақд пулни ташиш, касса ишларини ташкил этишдан тортиб кассирларнинг иш ҳақиғача бўлган бир қанча харажатларни ўз ичига олади. Мазкур харажатлардан келиб чиққан ҳолда тижорат банклари банк картасидаги маблағларни банккомат ёки касса орқали нақдлаштиришда ундириладиган комиссиялар микдорини белгилашга, шубҳасиз, ҳақлидир.

ларни нақдлаштириш учун комиссия тўлови йўқ. Қолган банккоматларда эса картадаги пул нақдлаштирилганда ҳар бир операция учун ўртача 5 евро ундирилади.

Хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, пластик карта қайси банкда очилган бўлса, ўша банкка тегишли банккоматларда пул нақдлаштирилганда маълум бир суммагача комиссия тўлови ундирилмайди. Фақатгина белгиланган лимитдан ошган қисмидан 1 фоизгача банкка ўтади. Шунингдек, айрим давлатларда картадаги пенсия ва ижтимоий тўловлар бўйича мавжуд пуллар нақдлаштирилганда ҳеч қандай фоиз ушлаб қолинмайди.

ХДП ФАОЛЛАРИ ТАКЛИФ БЕРАДИ

Давлат ва жамият ҳаётида ижтимоий мувозанат барқарорлигини кафолатлаш тарафдори бўлган Халқ демократик партияси фаоллари Сайловолди дастури учун тайёрлаётган таклифлари орасида электорат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда банк пластик карталаридан фойдаланишни янада қўлай қилиш шартларини ҳам илгари сурмоқдалар. Бунда:

– коммунал, давлат хизматлари, маъмурий жарималар, таълим учун тўловлар ва бошқалар бўйича тўлов амалга оширилганда амалдаги 1 фоизгача бўлган воситачилик ҳақини аҳолига бепул этиб белгилаш ҳамда воситачилик ҳақини тўловларни олувчи ташкилотлардан олдиндан ундириб қолиш;

– пластик карталардан пулни банккоматлар орқали нақдлаштирилганда, агарда ушбу пластик карта банккомат қарашли бўлган банкники бўлса, 1 фоиз олиш амалиётини бекор қилиш, бошқа банкники бўлса, 0,5 фоизга тушириш;

– пластик картадаги маблағлар банк кассаларида нақдлаштирилганда тўлов ундиришни бекор қилиш амалиётини жорий этиш таклифлари фуқароларнинг конституциявий ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга, халқ розилигини олишга, "Инсон қадрини учун" тамойилининг ҳаётбахшлигига замин яратиши билан аҳамиятлидир.

**Анвархон ТЕМИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП фракцияси
аъзоси:**

– Айтиш керакки, Халқ демократик партияси ва депутатлик бирлашмалари томонидан жойларда аҳоли билан ўтказилаётган мулоқотларда, айниқса, эҳтиёжманд қатлам вакилларининг муносабатларини ўрганишда банк карталаридан пулни нақдлаштиришда фоиз ушлаб қолиниши масаласи ҳам бот-бот ўртага чиқади. Бу бўйича ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифа учун қандайдир қонуний энгиллик ёки имтиёзлар мавжудми-йўқми, шулар ҳақида кўп сўрашади.

Бир қарашда картадаги пул маблағини нақдга айлантиришда арзимас 1 фоизнинг ушлаб қолиниши ёки шунча микдорда воситачилик ҳақларини олиниши у қадар катта муаммо эмасдек. Бирок иш ҳақидан тўланадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан ташқари ихтиёрида қолаётган муайян бир сумма тийин-тийинигача фуқаронинг даромадидир. Нақд ва нақдсиз шаклдаги пул қонунан тенг қийматга эга. Пластик картадаги пулни нақдлаштиришда ёки картадан картага ўтказишда ёки бошқа тўловларни амалга оширишда фоиз ушлаб қолиниши охири-оқибат оддий одамнинг ҳамёнига зарар, у юз сўм бўлса, минг сўм бўлса ҳам. Айниқса, пенсионерлар, ногиронлиги бор шахслар, кам таъминланганларнинг бундай амалиётга салбий муносабатда бўлишлари асосли.

Шу нуқтаи назардан навбатдаги сайлов олдиндан тайёрланаётган дастурда банк пластик карталаридан фойдаланишни аҳоли кенг қатлами учун янада қўлайлаштириш, бунда, аввало, фуқаролар манфаати устуворлигини таъминлаш ғояси ҳам ўрин олгани адолат тарозиси билан ўлчаганда олий мақсадимизга уйғундир.

**Фарида МАҲҚАМОВА,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.**

«ПРАВА»НИ ОНЛАЙН ОЛИШ МУМКИН

Энди янги ҳайдовчилик гувоҳномаларини Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП) орқали онлайн тарзда олиш мумкин, дейилади Адлия вазирлиги хабарида.

Хабарда айтилишича, 2023 йилнинг апрель ойидан ҳозиргача фақат ҳайдовчилик гувоҳномасини масофадан алмаштириш имкони бўлган бўлса, эндиликда ЯИДХП орқали янги гувоҳномани ҳам расмийлаштириш мумкин бўлади.

Шунингдек, тизимдан фойдаланиш учун ҳеч қандай ҳужжат талаб қилинмайди, чунки барча маълумотлар тизимда мавжуд.

Ҳужжатни исталган яқин Давлат хизматлари марказидан 1 иш куни ичида олиш ёки почта орқали 2 иш куни ичида уйга буюртма қилиш мумкин (25 минг сўм). Хизмат нархи — 0,7 БҲМ (238 минг сўм).


Маълумот учун, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига эга бўлиши учун ўрганувчи ўқув муддати якунида куйидаги ёшга тўлган бўлиши керак.

"А" тоифаси учун — 16 ёшга;

"В" ва "С" тоифалари учун — 18 ёшга;

"ВЕ" ва "СЕ" тоифалари учун — 19 ёшга;

"D" ва "DE" тоифалари ҳамда трамвай ва троллейбуслар учун 21 ёшга.



НАМКОРИМИЗ

АХОЛИНИНГ МАРКАЗЛАШГАН ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИК ДАРАЖАСИ 77,6 ФОИЗНИ ТАШКИЛ ЭТМОҚДА. ЖУМЛАДАН, ТОШКЕНТ ШАХРИ 97,7 ФОИЗ, АНДИЖОН ВИЛОЯТИ 90,9 ФОИЗ, ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ 90,4 ФОИЗ КЎРСАТКИЧЛАРДА РЕСПУБЛИКА БЎЙИЧА ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИК ДАРАЖАСИ ЭНГ ЮҚОРИ ХУДУДЛАР СИРАСИГА КИРАДИ.

Шу билан бирга, Қашқадарё вилояти 59,4 фоиз, Сурхондарё вилояти 62,9 фоиз, Жиззах вилоятида 70,4 фоизни ташкил этади ва бу кўрсаткич жуда паст ҳисобланади. Алоҳида қайд этиш мумкинки, айни пайтда ушбу паст кўрсаткичи ҳудудларда ҳам таъминот қамровини кенгайтириш бўйича ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Бу ҳақда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида "Ўзсувтаъминот" АЖ ахборот хизмати раҳбари Акмал Муродов иштирокида ўтказилган брифингда батафсил маълумот берилди.

Таъкидланишича, бугунги кунда республика миқёсида жами 4 миллион 800 мингдан ортиқ абонент мавжуд. Умумий истеъмолчилар сони 28 миллиондан зиёдни ташкил этади. Тизимда ҳар бир истеъмолчи ёхуд абонент билан ишлашда алоҳида ёндашилмоқда. Бу борада келиб тушаётган мурожаатлар юзасидан тезкорлик билан ишлаш учун "Сувни-Асра" мобил иловаси, @сувмуаммотот телеграмм боти, шунингдек, 24/7 режимида ишлайдиган 12-55 қисқа рақамли "Ягона колл маркази" фао-

лият олиб бормоқда.

Маълумотларга кўра, 2024 йилнинг ўтган даврида 157 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушган. Шундан 97 фоизи ижобий ҳал этилган. Қолган 3 фоизи тизимли кўриб чиқилмоқда. Коррупцион ҳолатлар бўйича эса 356 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 91 фоизи ижобий ҳал этилган, 9 фоизи ижрода. Бундан ташқари, аҳоли билан тўғридан-тўғри ишлаш мақсадида истеъмолчилар учун тақомиллаштирилган шахсий кабинет жорий этилган. У орқали истеъмолчилар тўловлар ҳисоботини ойлари, йиллар кесимида кўриб бориши, тўловни амалга ошириши ва ҳисоблагичлар маълумотини киритиши мумкин.

Биринчи ярим йиллик якуни билан 390 километр ичимлик суви тармоқлари ва 23 та сув иншоотларида қурилиш ишлари бажарилган. Шунингдек, 145,8 минг аҳоли илк бор ичимлик суви билан таъминланган. 642,5 минг аҳолининг ичимлик сув таъминоти яхшилانган.

Брифингда дебитор қарздорлик, ичимлик ва оқова сув тармоқларига ноқонуний уланиш ҳамда ичимлик сувидан ноўрин фойдаланиш ҳоллари ҳам соҳа олдидаги оғриқли масалалардан бири экани айтилди.

Жумладан, бугунги кунда республика миқёсида жами 1 триллион сўм дебитор қарздорлик мавжуд бўлиб, шундан 72 фоизи аҳоли ва 28 фоизи юридик ва улгуржи истеъмолчилар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Шунингдек, ичимлик ва оқова сув тармоқларига ноқонуний уланиш ҳамда ичимлик сувидан ноўрин фойдаланиш ҳоллари ҳам соҳа олдидаги оғриқли масалалардан

ҚАМРОВ ЯНАДА КЕНГАЙМОҚДА



"O'zsvu'ta'minot" AJ

"O'zsvu'ta'minot" AJ 2024-yil yarim yilligida aholining markazlashgan ichimlik suvi bilan ta'minlanganlik darajasi


77,6 %ni tashkil etadi.

Respublika bo'yicha ichimlik suvi bilan ta'minlanganlik darajasi eng yuqori hududlar:

Toshkent shahri - 97,7 %;
Andijon viloyati - 90,9 %;
Xorazm viloyati - 90,4 %.

Respublika bo'yicha ichimlik suvi bilan ta'minlanganlik darajasi eng past hududlar:

Qashqadaryo viloyati - 59,4 %;
Surxondaryo viloyati - 62,9 %;
Jizzax viloyati - 70,4 %.



BILIB QO'YGAN YAXSHI!

ЖАЗИРАМА КУНЛАР УЧУН 7 ҚОИДА

Ёз фаслининг иссиқ, яъни бугунги жазирама кунлар одам организмида айрим муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Бундай кунларда гигиена қоидаларига риоя қилиш муҳим. Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати томонидан ушбу қоидалар ҳақида маълумот тақдим этилди.

1. Овқат тайёрлаш ва сақлаш. Биламизки, иссиқ об-ҳавода баъзи озиқ-овқат маҳсулотлари жуда тез айниди. Шу сабабли доим тоза ва озода жойларда таомланиш, тез бузиладиган маҳсулотлардан сақланиш зарур.

Бозорлар, кўчалар ва йўл ёқаларида сотиладиган уй шароитида тайёрланган овқатлар ҳамда қўл-бола ичимликларни асло истеъмол қилманг. Шунингдек, мева ва сабзавотларни яхшилаб ювинг. Гўшт ва сут маҳсулотларини фақат совутгичда сақланг.

2. Сув ҳавзаларида чўмилиш. Чўмилиш ҳавзаларидаги ифлосланган сув ўткир вирусли ичак инфекциялари, гепатит (А, Е), ичбуруғ, ичтерлама, лямблиоз каби хавфли касалликларни келтириб чиқаради. Шунингдек, очик сув ҳавзаларида сузиш турли тери хасталиклари, бурун, оғиз ва қулоқ шиллик қаватлари яллиғланишига ҳам олиб келиши мумкин.

Шу боис доим тоза ва дезинфекция қилинган сунъий сузиш ҳавзаларида чўмилиш лозим. Шахсий сочик ва сузиш воситаларини ишлатиш, уларни бегона одамларники билан алмаштирмаслик зарур.

3. Қўлларни тез-тез ювиш. Ёз фаслида совун ва антисептик геллар ёрдамида тез-тез қўлларни ювиб туриш терини озода сақлаб, зарарли бактерия ва вируслардан халос этади. Айниқса, овқатланишдан олдин ва кейин ҳамда ташқаридан ўйга келганда бу одатни қанда қилмаслик лозим.

4. Илик душ қабул қилиш. Жазирама ҳаво териди бактерияларни кўпайтириши мумкин. Шу боис иссиқ кунларда тез-тез илик душ қабул қилиш саломатлик учун фой-



дали. У инсонни тетиклантириб, танадаги губорларни кетказади.

5. Ҳожатхонадан фойдаланиш. Жамоат ҳожатхоналаридан фойдалангач, албатта, қўлларни совунлаб ювиш керак. Агар бунга имкон бўлмаса, антисептик воситаларни ишлатиш тавсия этилади. Шунингдек, жамоат жойларида эшик тутқичлари ва умумий фойдаланиладиган буюмларни ушлагандан кейин ҳам қўлларни совунлаб ювиш мақсадга мувофиқ.

6. Тоза сув ичиш. Иссиқ кунлари организм жуда кўп суюқлик талаб қилади. Бундай пайтда, албатта, тоза ва хавфсиз ичимликлар истеъмол қилиш керак. Айниқса, қайнатилган ёки филтрланган тоза сув ичиш танада суюқлик балансини ушлашга ёрдам беради.

7. Уй ва иш жойида гигиена. Иссиқ кунларда уйларни тозалаш, намлики назорат қилиш ва ҳавони алмаштириб туриш жуда муҳим. Эшик тутқичлари, стол ва бошқа тез ифлосланадиган жойларни дезинфекция воситалари билан тозалаш турли касалликларга чалинишнинг олдини олади.

Бундан ташқари, иш жойида шахсий озодаликка риоя қилиш, иш қуролларини доимий тоза сақлаш, хона ҳавосини тез-тез алмаштириб туриш, кондиционер ва вентиляторлардан тўғри фойдаланиш саломатлики сақлашда жуда муҳимдир.

"БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БАНКИ":

УЙ-ЖОЙ ШАРОИТИНИ ЯХШИЛАШ УЧУН 157 МИЛЛИАРД



"БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БАНКИ" АТБ АХОЛИГА АЖРАТИЛАЁТГАН ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ ВА УЛАРИНГ АМАЛИЙ САМАРАЛАРИ" МАВЗУИДА МАТБУОТ АНЖУМАНИ ЎТКАЗДИ.

Бугунги кунда банк томонидан аҳолининг уй-жой харид қилиш билан боғлиқ эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида бир нечта йўналишларда ипотека кредитлари ажратилмоқда. Хусусан, янги тартиб асосида бирламчи уй-жой бозорига квартира харид қилиш учун жорий йил бошидан кўплаб мижозларга хизматлар кўрсатди.

Қайд этилишича, 2024 йил 1 июнь ҳолатига банк томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлигидан жами 4 триллион 661 миллиард сўм жалб қилинди ва бирламчи бозорда қурилган кўп квартиралар уй-жойлардаги квартираларни сотиб олиш, уй-жой қуриш (реконструкция қилиш) учун 20 минг 816 нафар фуқарога жами 4 триллион 690 миллиард сўм миқдоридан, 2024 йил январь-май ойлари давомида 583 нафар фуқарога 157 миллиард 100 миллион сўм миқдоридан ипотека кредитлари ажратилди.

"Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси" АЖ маблағлари ҳисобидан ипотека кредитлари ҳам ажратилмоқда. Акциядорлик жамияти ва банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан бирламчи, иккиламчи бозордан уй-жой сотиб олиш ва уй-жойларни таъмирлаш учун 1329 нафар фуқарога 283 миллиард 74 миллион сўмлик ипотека кредитлари ажратилган.

Тадбирда яқка тартибдаги уй-жой қуриш ва реконструкция қилиш учун ипотека кредитлари ҳам ажратилаётгани маълум қилинди.

Бугунги кунга қадар 1 353 нафар фуқарога уй-жойни қуриш, реконструкция қилиш учун 259 миллиард 100 миллион сўм миқдоридан ипотека кредитлари ажратилган.

Тадбирда ипотека кредитлаш йўналишида 2024 йил охиригача белгиланган режалар ва прогноз кўрсаткичлар бўйича ҳам маълумот берилди.

2024 йил 27 июнь ҳолатига кўра, "Бизнес портал" платформасига келиб тушган аризалардан 61 860 та ташаббускорлар скоринг босқичида ижобий баҳоланди. Эътиборли жиҳати, мазкур жараён инсон омили иштирокисиз амалга оширилмоқда.

Бу ҳақда "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ Ахборот хизмати раҳбари Шухрат Орипов маълумот берди.

Шу кунга қадар ҳоқим ёрдамчилари томонидан 55 928 та лойиҳага ижобий тавсия берилган. Ўрганиш учун ҳоқим ёрдамчилари жараёнидаги лойиҳалар сони 2 517 тани ташкил қилмоқда.

Лойиҳаларни баҳолаш ва танлаш гуруҳи томонидан 46 516 та лойиҳага ўқув жараёнига рухсат берилган бўлиб, ҳозирги кунга қадар 432 та лойиҳа ташаббускорлари ўқув жараёнида иштирок этмоқда. Шу билан бирга, энг муҳим босқич, яъни 42 694 та ташаббускор томонидан имтиҳон топширилган бўлиб, улардан 39 885 таси сертификатни қўлга киритишган.

Кимлар онлайн ариза юбориш орқали "Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш" комплекс Дастурида иштирок этиш ҳуқуқига эга?

Қаида бир йил мобайнида фаолият юритаётган яқка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон хўжаликлари, ўзини ўзи банд қилган шахслар, хунармандлар, касаначилар, нодавлат таълим ташкилотлари, уч ва ундан ортиқ кишини доимий иш билан таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектлари ҳамда оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида ўз бизнес лойиҳаларини муваффақиятли амалга ошириб, ижобий кредит тарихига эга бўлган юридик ва jisмоний шахслар қатнашиши мумкин.

"Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш" комплекс Дастурини 2023-2026 йилларда амалга ошириш учун давлат маблағлари ҳисобидан 6 триллион сўм ва халқаро молия институтларининг 1 миллиард 200 миллион АҚШ доллари миқдоридан маблағлари йўналтирилиши белгиланган.

Саҳифани Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ тайёрлади.



“ЭЛ УЧУН ҚИЛСАНГ ЗИЁН, ТОШЛАРГА УРГИН БОШНИ”

КУНИМИЗ “LE”, “LA” ЛАРГА ҚОЛДИМИ?

Халқимизнинг жой номларига муносабати ҳам таҳсинга сазовордир. Чунки ота-боболаримиз ўзи яшаб турган жой номларига доимо эътибор билан қараган, уларни миллий-маънавий қадрият сифатида улуғлаган.

Масалан, Тошкент, Самарқанд, Каттақўрғон, Оқдарё, Қорадарё, Тошлоқ, Олтинқўл, Булоқбоши, Оқтош, Болғали, Дўрмон, Арғин каби жой номлари – топонимларда ўзбекнинг ўзлиги ёрқин акс этган. Кўрсатиб ўтилган ҳар бир топоним ўзида маълум бир тарихий жараёни, ўзбек халқи га тегишли қабила ёки уруғ номини англатади, уларнинг замирида миллий менталитет намуналари уфуриб туради. Буларнинг ҳаммаси қувонарли, албатта. Лекин бугунги кундаги ҳолат қандай, жой номларига бўлган муносабатимиз қай аҳволда?

Тўғриси айтганда, мустақилликнинг дастлабки йилларида бу борада бир қатор илҳомий ишлар амалга оширилди: совет мафқурасига хизмат қиладиган жой номлари миллий-маҳаллий шароитни ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқилди. Натижада Миробод, Мирзо Улуғбек, Шайхонтоҳур, Учтепа, Яккасарой, Юнусобод, Олмазор, Бектемир каби топонимлар юзага келиб, ўзбек тили лўғатидан ва халқ қалбидан мустаҳкам жой олди. Айни шу ҳолат ўзбекнинг ўзлигини кўрсатиб туради, ватандошларимизда миллий ифтихор туйғуларини шакллантиради, яшаб турган жойидан фахрлиниш кўникмасини ҳосил қилади.

SITY НИНГ ОҲАНРАБОСИ БОРМИ?

Лекин кейинги пайтларда жой номларига бўлган эътибор, айниқса, кўча ва майдонларнинг номланишида, маҳалла ва турар жой объектларига ном беришда, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини номлашдаги масъулият йўқолиб бормоқда. Бундай ҳолатни ҳар куни, ҳар жойда учратсак-да, биз жуда бепарво муносабатда бўляпмиз. Оқибатда бундай “ноёб топилмалар” кундан-кунга урчиб бормоқда. Мана шундай сўзлардан бири city (сити) сўзидир. Хўш, мазкур сўз, аслида нимани англатади ва қандай афзалликларга эга?

Назаримизда, мазкур сўз – city инглиз тилидаги шакл бўлиб, “шаҳарча, қўрғон, аҳоли пункти” маъноларида ишлатилади. Биз бир пайтлар Тошкентда ҳам шунга ўхшаш сўзлардан фойдаланганимиз: Шифокорлар шаҳарчаси, Олимлар шаҳарчаси, Ишчилар шаҳарчаси, Авиасозлар шаҳарчаси ва ҳ.к. Ҳозир эса маълум бир шаҳар ҳудудига аҳоли истиқомат қиладиган янги қурилган жойга нисбатан ҳам city сўзи қўлланилмоқда. Масалан, Тошкентнинг қоқ марказида мана шундай объект замонавий услубда қурилган турар жойлар Тошкент-сити деб атала бошланди. Худди шундай ҳолат бошқа шаҳарларимизда ҳам кўзга ташланади: Самарқанд сити, Андижон сити, Наманган сити ва ҳ.к. Демак, бир шаҳар ичидаги янги бир шаҳарча – ситилар ўзини маълум маънода оқлаши



мумкиндир. Аслида, буни ҳам она тилимиз манфаати нуқтаи назаридан пухта ўйлаб кўриш лозим.

Лекин кишини ўйга толдирадиган, мулоҳазага чорлайдиган ҳолатлар юзага кела бошлади. Аниқроғи, бундай ситилар кундан-кунга “болалаб” бормоқда. Ушбу сўз ўринли-ўринсиз, ҳеч бир асосга эга бўлмаган ҳолда қўллана бошлади: Magic city, Olmazor city, Sergeli city ҳ.к. Очиғи, ушбу сўзларнинг қўлланишини тўғри деб бўлмайди. Чунки, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, сити шаҳар ичидаги бирор шаҳарчани англатиши мумкин. Олмазор, Сергели эса алоҳида бир шаҳар эмас, балки пойтахтимиз таркибидagi туманлардан бири ҳисобланади. Демак, мантиқан олиб қаралганда туман ичида ситиларнинг бўлиши мумкин эмас. Шундай экан, бундай номланишлар ўзини ҳеч оқламайди. Буларнинг ўрнига ўша худуднинг тарихий номини қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, Олмазор туманида Тахтапул, Қорасарой, Қорақамиш каби тарихий номлар борки, улардан топоним сифатида бемалол фойдаланиш мумкин. Бизда эса...

Халқимизда “Бемаза қовуннинг уруғи кўп бўлади” деган пурҳикмат гап бор. Бугунги кунда биз шоҳиди бўлиб турган ситилар ҳам кундан-кунга авж олиб боряпти. Шулардан бири пойтахтимизнинг Бешёғоч майдонидаги Magic sityдир. Бу ҳам хорижий тиллардан кўр-кўрона ўзлаштирилган сўз бўлиб, ҳар куни минглаб ёшлар онгига, қалбига сингиб бормоқда. Аслида, бунинг ўзбекча муқобили – Мўъжизалар (афсоналар) шаҳарчасидир. Бизнингча, айни шу маскани ўзбек тилида номлаш пайти аллақачон етилган. Негаки, жой номлари ўзида миллий-тарихий аъна-

наларни акс эттиради, ўзбекнинг ўзligидан далолат бериб туради, ёшларда фахр-ифтихор туйғусини шакллантириб боради. Бундай нозик нуқталар шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Атамалар комиссияси томонидан ҳисобга олинши ва тегишли тавсиялар берилиши зарур.

БЎЛДИ АЖАБ ҲАНГОМАЛАР

Жой номлари ҳақида гап кетганда, албатта, кўча ва майдон номлари, пештахта ва эълонлардаги матнлар масаласи, шунингдек, маиший хизмат кўрсатиш ва савдо шохобчаларига қўйилган номлар ҳам кўзда тутилади. Негаки, айни шу жойлардаги ёзувлар ҳар куни, ҳар соатда, ҳар дақиқада минглаб одамларнинг кўзига ташланади, уларга руҳий-психологик, сиёсий-мафқуравий таъсир кўрсатади. Шу боисдан ҳам бундай номлар мутассадди ташкилотлар томонидан назорат қилиниши, миллий-тарихий номлар тавсия этиб борилиши лозим.

Бир реклама ролигида айтилганидек, “Агар ўзимизнинг хўрозқандни ҳам чет элники деса, дарров ялашга тушамиз”. Таассуфки, айрим ишларимиз мана шу гапни тасдиқлаб туради. Қўйидаги ёзувлар бу гапимизни яққол тасдиқлайди: Le taom, La piyola. Мазкур ёзувлар кафе ва ресторанларга қўйилган номлардан бири. Сиз албатта, таом ва пиёла сўзларини тушундингиз. Улар олдида қўлланган le ва la ҳақида нимани биласиз? Келинг, мен сизга ўзим тушунтириб қўя қолай. Le ва la бир қатор Европа тилларида, хусусан, француз тилида ишлатила-


диган артикль бўлиб, le мужской роддаги отлар олдида, la эса женский роддаги отлар олдида қўлланади. Демак, сўзни грамматик жиҳатдан қайси род (жинс)га мансублигини кўрсатиб туради. Бинобарин, ушбу сўзларни “кашф қилганлар”нинг фикрига кўра, таом сўзи ҳам ўзбек тилида мужской родга, пиёла эса женский родга тегишли бўлади. Ана сизга “новаторлик”. Эҳтимол, улар буни масалага инновацион ёндашув деб ҳисоблар, шу билан ўз мижозларини кўпайтириш пайида бўлиши мумкин. Лекин бир нарсани унутмаслик керак: атоқли шоиримиз Чустий ёзганларидек, “Эл учун қилсанг зиён, тошларга ургин бошни”. Сиз бу “ижодингиз” билан она тилимизга қанчалик зиён етказаяётганингизни ўйлаб кўрганмисиз?

Шу ўринда яна бир мулоҳазани айтиб ўтишни жоиз, деб биламан. Мана шундай номларни танлаб, ўз кафе ёки ресторанига осиб қўйган тадбиркорлар, эҳтимол, “Давлат тили ҳақида”ги Қонун талабларидан беҳабар бўлиши мумкин. Бирок айни шу ташкилотларга фаолият юритиши учун рухсатнома-лицензия берадиган мутасаддилар қаёққа қараб турибди? Корхона хусусий бўлгани билан, она тилимиз умумийлигини, барчага бирдек хизмат қилишини, ўзбек тили учун барчамиз бирдек жавоб беришимизни унутмаслик зарур.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар бир қатор хулосаларга олиб келади. Она тилимиз – муқаддас, уни авайлаб-асраш, янги сўз ва атамалар билан бойитиб бориш, кундан-кунга такомиллаштириш ҳамда келгуси авлодларга бус-бутун қолдириш – ўзини англаган инсон учун ҳам фарз, ҳам қарз ҳисобланади. Она тилимизнинг шартли кўриниши – ёзувлар эса ҳар дақиқада сизу бизга ўзligимизни намоён қилувчи асосий воситадир. Шундай экан, бундай бебаҳо гавҳар – она тилимизга ва ёзувимизга эътиборли бўлишимиз, уни турли хил тажовулардан сақлашимиз зарур.

Равшан ЖОМОНОВ,
Ўзбекистон давлат хореография
академияси профессори,
филология фанлари номзоди.

» **ЖОЙ НОМЛАРИ ҲАҚИДА ГАП КЕТГАНДА, АЛБАТТА, КЎЧА ВА МАЙДОН НОМЛАРИ, ПЕШТАХТА ВА ЭЪЛОНЛАРДАГИ МАТНЛАР МАСАЛАСИ, ШУНИНГДЕК, МАИШЕЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА САВДО ШОХОБЧАЛАРИГА ҚЎЙИЛГАН НОМЛАР ҲАМ КЎЗДА ТУТИЛАДИ. НЕГАКИ, АЙНИ ШУ ЖОЙЛАРДАГИ ЁЗУВЛАР ҲАР КУНИ, ҲАР СОАТДА, ҲАР ДАҚИҚАДА МИНГЛАБ ОДАМЛАРНИНГ КЎЗИГА ТАШЛАНАДИ, УЛАРГА РУҲИЙ-ПСИХОЛОГИК, СИЁСИЙ-МАФҚУРАВИЙ ТАЪСИР КЎРСАТАДИ.**



ОММАВИЙ ТАДБИРЛАРДА БЕПУЛ ТАРҚАТИШ ТАҚИҚЛАНДИ

28 июнь куни Вазирлар Маҳкамасининг «Оммавий тадбирларни ўтказишда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибini сақлаш бўйича талабларни кучайтириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга мувофиқ, оммавий тадбирларда фуқароларга реклама, акция ва бошқа мақсадларда озиқ-овқат, буюмлар ҳамда бошқа маҳсулотлар ва товар-моддий бойликларни бепул тарқатиш тақиқланди. Шунингдек, ҳаддан ташқари арзонлаштирилган нархда сотиш орқали жалб қилиш ҳам мумкин эмас.

Ушбу ҳужжат бўйича назоратни Миллий гвардия ва Ички ишлар вазирлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда амалга оширади ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишини таъминлайди.

Жорий этилаётган талабнинг мақсади, мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилади. Янги қарор 29 июндан кучга кирди.



BIR MAHALLA

ЮТМАГАНГА ЙЎЛ ЙЎҚМИ?

“Кўшқоқ” – Узун тумани марказидан 20-25 километр олисда жойлашган қишлоқ. Ҳудудда 1 минг 500 нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Қир ва адирларга туташган манзилда умргузаронлик қилаётган юртдошларимизни кўп йиллардан буён йўл масаласи қийнаб келмоқда. Ёғин-сочинли кунларда одамлар лой кечигишга мажбур бўлса, ҳаво исиши билан чанг ва ғубордан азият чекади.

– Беш километрли йўл бир асрлар олдин пайдо бўлган, – дейди Ўроқ Абдуназаров. – Шундан буён асфальт қилинган йўқ. Бор-йўғи бир мартагина, яъни ўтган асрнинг 85-йилларида номига тош-шағал тўшалган. Иш ўлда-жўлда амалга оширилган учун кўча ўйдим-чуқур бўлиб қолган. Муаммони кўриб турган маҳаллий масъуллар ваъдадан нарига ўтишмаяпти. Аввалига “Масала бугун-эрта ҳал бўлади”, деган чўпчак тўқилган бўлса, кейинчалик “Давлат дастурига киритиш чоралари кўрилаяпти”, қабилидаги деган малтали эшитадиган бўлгандик. “Ғала ўримидан кейин асфальт қилинади, пахта мавсуми тугаши билан иш бошланади” мазмунидаги таги пуч алоқа хатлари ҳам жуда кўп бизда. Бугунга келиб эса “Ташаббусли бюджет” ёки “Менинг йўлим” лойиҳаларида қолиб бўлсаларингиз йўл қурилади”, дейишмоқда...

– Муъжаз масканда иккита оилавий мактабгача таълим муассасаси ҳамда 47-умумий ўрта таълим мактаби фаолият кўрсатмоқда, – дейди Эргаш Аллаёров. – Иккита фашт ишлаб чиқарадиган завод ва ўнга яқин фермер хўжаликлари ҳам бор. Тоza ичимлик сувидан камчилик йўқ. Ўзгариш ва янгиликлар келажакка бўлган ишончимизни оширмоқда. Асосий муаммомиз битта – йўл масаласидир. Баҳор, куз ва қиш ойларида ўнлаб ирмоқлар ҳосил бўлиб, бир-бирига “туташган” кўллардан ўтиш қийинчилик туғдиради. Тез тиббий ёрдам машинаси нари турсин, ҳатто, махсус техникаларнинг ҳаракатланиши ҳам амримаҳол.

– “Нива” автомашина бор, – дейди Мухиддин Дўсиёров. – Ўтган йили “коробка” тўкилди. Бир марта “ходовой” қилиб, икки марта балон алмаштирдим. “Диска”лар қийшайган. “Бенза насос”ни тез-тез тозалашга тўғри келади. Пидедалар “уф” тортса, ҳайдовчилар “оҳ-оҳ”лайди...

– Хўш, “Кўшқоқ”ликларни қийнаб келадиган масала қачон ечим топади? Ёки “Қолган ишга қор ёғар”микин?!

– Шу йилнинг 25 март кунини ҳудудда бўлгандик. Аҳвол билан танишаётганимизда ҳокимлик масъуллари ва соҳалар мутахассислари келишганди.

– Узун туман ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбариман, – дейди

Мирзобек Жўраев (собик) ўзини таништирarkan. – Маълумки, Президентимизнинг 2023 йил 10 октябрдаги “Йўл хўжалиги соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг 15-бандида 2024 йилдан бошлаб хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар ва овуллар кўчаларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун бюджет маблағлари фақат “Менинг йўлим” дастури орқали ажратилиши кўрсатиб ўтилган. Лойиҳада қолиб бўлиш орқали мақсадга эришиш мумкин. Аммо томошабин бўлиб турмоқчи эмасмиз. Уч кун муддатда зарур ёнилғи ажратилиб, 5 километрли йўл махсус техника ёрдамида текисланади.

– Ҳақиқатан ҳам 1 апрель кунини наридан-бери трактор юрди, – дейди Номоз Йўлдошев. – Йўл текисландими, “тинталандими” ёки “тимдаландими” билиб бўлмайди. Кўриб турибсизлар, тагин ўша аҳвол – кўлмак, балчик, лой... шудгор қилингангайм ўхшайди...

– Ҳанузгача бир нарсга тунунмайман, денг. Раҳбарлар нуқул “Опен бюджет” ёки “Менинг йўлим”да қолиб бўлинган, дейишадди. Лойиҳаларда қўлимиз баланд келишига унчалик ишончимиз йўқ. Чунки, ўтган йили кимлардир хўжалик совуни, салқин ичимлик, пахта ёғи, макарон тарқатган бўлса, жорий мавсумда улоқ, эчки, қўй, сигир, новвосу от “улашган”ларгача эшитдик. Нима бўлганда ҳам қадим йўлларимиз текис ва раван бўлсин-да...

– Ҳамкорлик ва ҳамжихатликда хикмат кўп, – дейди “Саховат” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Чори Жўраев. – Ҳудудда тўртта катта-кичик қишлоқ бор. Хайрли ташаббуслар доирасида 38-мактабдаги кутубхона, маъмурий бино, спорт зали фойдаланишга топширилиб, “Нуроний” кўчасининг 2,5 километри асфальт қилинди. Энди “Кўшқоқ”даги 47-мактабга спорт мажмуаси қурилиши ҳамда кўчани асфальт қилиш кўзда тутилган. Шунда юз йиллик йўл машмасаси барҳам толиб, халқимизнинг узоғи яқин, мушуқли осон бўлишига ишонанам.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон овози”
мухбири.

ФРАНЦИЯДА СИЁСИЙ ВАЗИЯТ ЎЗГАЧА

ДУНЁ САҲНИДА ЮЗ БЕРАЁТГАН ЎЗГАРУВЧАН СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР ҲАТТО ЙИРИК ДАВЛАТЛАРГА ЎЗ ТАЪСИРИНИ КўРСАТМАЙ ҚОЛМАЯПТИ. ФРАНЦИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ЭММАНУЭЛЬ МАКРОН 9 ИЮНЬ КУНИ МАМЛАКАТДА МИЛЛИЙ АССАМБЛЕЯ ТАРҚАТИБ ЮБОРИЛГАН ВА МУДДАТИДАН ОЛДИН САЙЛОВЛАР ЎТИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛГАНИ БУНГА МИСОЛ. БУНДАЙ ҲОЛАТ ФРАНЦИЯНИНГ ЯҚИН ТАРИХИДА КУЗАТИЛМАГАНДИ.

Маълумот учун: Президент Жак Ширак парламентни 1997 йилда тарқатиб юборган эди. Бунга оммавий иш ташлашлар ва норозиликлар туфайли ҳукмрон партия обрўсининг заифлашуви сабаб бўлганди.

Белгиланган тартибга кўра, Францияда овоз бериш икки босқичда ўтади. Биринчи босқич 30 июнь ва 7 июлда иккинчи босқич режалаштирилган.

Овоз бериш натижалари ўта ўнги «Миллий бирлашув» партияси ва унинг иттифоқчилари 33 фоиз

овоз билан етакчилик қилаётганини кўрсатди.

Иккинчи ўринда 28 фоиз овоз билан «Янги халқ fronti» сўл блоки, амалдаги Президентнинг марказчи коалицияси 20 фоиз овоз билан учинчи ўринда.

7 июль кунини ўтадиган иккинчи босқичда 501 нафар депутатлик ўрни учун кураш кетади. Демак, қайсидир партия ёки коалиция парламентда кўпчилиكنи ташкил қилмоқчи бўлса, камида 289 ўринни эгаллаши керак.

Биринчи турда яна бир қизиқ ҳолат кузатилади: сайловчиларнинг 66 фоизи овоз берди. Бу 2002 йилдан кейинги рекорд натижа ҳисобланади.

Сўровномалардан маълум бўли-



Ўз мухбиримиз.

“ЎЗБЕКГИДРОЭНЕРГО” АЖ:

МИКРО ГЭСЛАР ФОЙДАСИ КАТТА

“ЎЗБЕКГИДРОЭНЕРГО” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ “МИКРО ГЭСЛАР ВА УЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ” МАВЗУИДА МАТБУОТ АНЖУМАНИ ЎТКАЗДИ.

АНЖУМАНДА ГЛОБАЛ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ВА ҚУРҒОҚЧИЛИК ШАРОИТИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИДАН ОҚИБ ЎТУВЧИ ДАРЁЛАРДА СУВ ҲАЖМЛАРИНИНГ ПАСАЙИШИ КУЗАТИЛИШИ КАТТА ВА ЎРТА ГЭСЛАРНИ ТўЛИҚ ҚУВВАТЛАРИДА ИШЛАШНИ ЧЕКЛАётгани ва бу ўз НАВБАТИДА, ИШЛАБ ЧИқАРИЛАётган ЭКОЛОГИК ТОЗА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ҲАЖМЛАРИГА ЎЗИНИНГ САЛБИЙ ТАЪСИРИНИ КўРСАТАётганлиги ТАЪКИДЛАНДИ. ШУНДАЙ БўЛСА-ДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ҲАЖМЛАРИДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН ТАФОВУТНИ ҚОПЛАШДА КИЧИК СУВ БОСИМИ ВА ХАРАЖАТИДА ИШЛОВЧИ МИКРО ГЭСЛАР МУҲИМ АҲАМИЯТ ҚАСБ ЭТАётгани АЛОҲИДА ҚАЙД ЭТИЛДИ.

– Микро ГЭС – жуда оз миқдордаги ресурслар эвазига атропо-мухитга зарарли таъсир кўрсатмайдиган электр энергиясини ишлаб чиқиш технологиясидир, – дейди «Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамияти ижро аппарати раҳбари Суҳроб Ҳамроев. – Бунда ўрнатилган қувватидан келиб чиқиб, бир нечта хонадон, кичик цех ёки маҳалланинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини қондиришга етарли бўлади. Шу билан бирга, қувватига кўра янада кўпроқ электр энергия ишлаб чиқариш ҳам мумкин.

Тадбирда Президентимизнинг 2022 йил 9 сентябрдаги «Энергия тежовчи технологияларни жорий қилиш ва кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ижроси ҳақида маълумот берилди. Унга кўра, юртимизда хусусий инвесторларга қуввати 5 МВтгача бўлган микро ва кичик гидроэлектр станцияларни қуриш лойиҳалари рўйхати ва улардан фойдаланиш бўйича янги механизм жорий этилди. Шунга асосан қатор аукцион савдолари ўтказилиб, қолиблар аниқланди ҳамда микро ва кичик ГЭСларни қуриш бўйича амалий ишлар бошланган.

Бу борада республика ҳудудлари бўйлаб микро ва кичик ГЭСларни қуриш мумкин бўлган салоҳиятли майдонлар аниқланди. Хусусий сектор иштирокида амалга оширилиши режалаштирилган 200 та микро ГЭС лойиҳасининг рўйхати шакллантирилди ҳамда амалий ишлар бошлаб юборилди. Фармонга асосан, микро ва кичик ГЭСларни қуришда



тадбиркорларни кенг жалб этиш борасида жамият раҳбарлигидаги тегишли ишчи гуруҳ томонидан режа асосида Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида кенг тарғибот тадбирлари амалга оширилди. Шунингдек, хусусий сектор вакиллари томонидан кичик ва микро ГЭС лойиҳаларини амалга ошириш учун барча ҳуқуқий ва иқтисодий шaroитлар яратиб берилди.

Фармон ижроси доирасида кичик ва микро ГЭСларни қуриш истагидаги тадбиркорларга ерларни 20 йил муддатга ижарага бериш, улар ишлаб чиқарган электр қувватини давлат томонидан кафолатли сотиб олиш тизими жорий қилинди.

– Бугунги кунгача хусусий инвесторлар томонидан амалга оширилиши режалаштирилган 60 га яқин микро ва кичик ГЭСларни қуриш лойиҳалари бўйича ташаббускорлар аукцион савдолари орқали аниқланган, – дейди «Ўзбекгидроэнерго» АЖ бошқарма бошлиғи Аваз Зокиров. – Ҳозирда жамиятимиз ва тадбиркорлар иштирокида 30 га яқин объектларда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда.

Жамият томонидан умумий қуввати 12,5 МВт бўлган 22 та микро ва кичик ГЭС лойиҳалари ишга туширилди. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида умумий қуввати 9,5 МВт бўлган 9 та лойиҳа ишга туширилди, йил якунига қадар яна умумий қуввати 15 МВт бўлган 10 та микро ГЭС лойиҳаларини якунлаш режалаштирилган.

Тoштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгаши жамоаси Қасби туман партия кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Султон Ҳамраевага онаси **ШАРОФАТ АЯНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston Ovozi
TAHRIR HAY'ATI:
Ulug'bek INOYATOV Muslihidin MUHIDDINOV
Ulug'bek VAFOYEV Hayotxon ORTIQBOYEVA
Maqsuda VORISOVA Toshtemir XUDOYQULOV
Qalander ABDURAHMONOV
Guliston ANNAQILICHEVA

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV
MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3
Телефонлар: (71) 239-12-14
Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etiladi.
Korxonа manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.
Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV
Г — 737. 3328 nusxada bosiladi. O'za yakuni —
Nashr ko'rsatkichi — 220. Topshirilgan vaqti —
t — Tijorat materiallari 1 2 3 4 5 6
Sotuvda kelishilgan narxda